T.S.ning kitoblar turkumida. Raqamli tasvirni qayta ishlashga bag'ishlangan Huang tasvirni qayta ishlashning uchta asosiy yo'nalishi bilan shug'ullanadi: samarali kodlash, tasvirlarning vizual sifatini tiklash va yaxshilash, naqshni aniqlash. Tasvirlarning vizual sifatini tiklash va yaxshilashning ko'plab usullari chiziqli fazoviy o'zgarmas filtrlardan foydalanishga asoslangan. Bunday muammolarni hal qilish uchun ko'pincha chiziqli bo'lmagan usullar talab qilinadi. Ana shunday usullardan biri median filtrlashdir. Zaxojaya O.I.Maqolasida. va Soloshenko A.N. raqamli filtrlar va System-On-Chip kontseptsiyasidan foydalangan holda tasvirni yuqori tezlikda qayta ishlash tizimini yaratish masalalari ko'rib chiqiladi. Raqamli filtrlardan foydalanish yuqori tezlikda tasvirni oldindan qayta ishlash va ekspozitsiyani boshqarishni amalga oshirish imkonini beradi, bu esa tasvirdagi xususiyatlarning reprezentativligiga ijobiy ta'sir qiladi. site:uz.wikisko.ru [4].

Turli xil tizimlarda tasvirlarni samaradorligini qiyosiy tahlil qilish Amalda, standart elektron xavfsizlik tizimlaridan foydalanish, aniqlanishi kerak bo'lgan, muammolarni bartaraf etish. Shunday qilib, tizim nisbatan oddiy ikki o'lchovli tasvir bilan ishlaydi, bu algoritmlarni sezilarli darajada soddalashtiradi va hisob-kitoblarning intensivligini pasaytiradi

Xulosa

Hozirgi kunda tadqiqotchilar tasvir sifatini yaxshilash uchun ko'plab algoritmlarni ishlab chiqmoqdalar. Raqamli tasvirni qayta ishlash jadal rivojlanayotgan ilmiy soha bo'lib, u turli xil axborot va texnik tizimlarda tobora ko'proq foydalanilmoqda: radar, aloqa, televizor va boshqalar. Tasvirga ishlov berishning asosiy afzalliklaridan biri shundaki, bu ma'lumotni qayta ishlashning har qanday shakli bo'lib, ular uchun qayta ishlangan ma'lumotlar rasm, masalan, fotosuratlar yoki video ketma-ketliklar bilan ifodalanadi. Chiziqli tasvirni qayta ishlash algoritmlari, rasmlarni filtrlashning eng keng tarqalgan usullaridan biri ularni chiziqli algoritmlar bilan qayta ishlashdir. Rekursiv tasvirni qayta ishlash

algoritmлари eng istiqbolli va tasvirni qayta ishlashda hisoblash xarajatlarini kamaytirish vazifalarida keng qo'llaniladi. Ushbu mezon, ya'ni tasvirni qayta ishlashga sarflangan vaqt (video oqim) real vaqtda ishlaydigan tizimlar uchun juda muhimdir.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Gonsales R.K. , Vuds R.E. . Raqamli tasvirni qayta ishlash, 3-nashr, Nyu-Jersi: Pearson Education, 2008. 950 pp.
2. Gupta S., Kaur Y. Raqamli tasvir uchun turli xil mahalliy va global kontrastni kuchaytirish usullarini ko'rib chiqish // Kompyuter ilovalari xalqaro jurnali [Elektron resurs] 2014, URL: <https://pdfs.semanticscholar.org/7fb1/bf8775a1a1eaad9b3d1f45bc302adc5bc802adc>. 2019).
3. Визильтер Ю. В., Желтов С. Ю., Князь В. А., Ходарев А. Н., Моржин А. В. В41 Обработка и анализ цифровых изображений с примерами на LabVIEW IMAQ Vision. – М.: ДМК Пресс, 2007. – 464 с
4. Салыкова, Д.А. Интерактивный лабораторный практикум “ Восстановление изображений при помощи инверсной фильтрации в среде MATLAB” / Д.А. Салыкова, А.Н. Утемисов, А.В. Каменский // Современное образование: повышение профессиональной компетентности преподавателей вуза – гарантия обеспечения качества образования: материалы междунар. науч.-метод., 1-2 февраля 2018г., Россия, Томск. – Томск: Изд-во Томск. гос. ун-та систем упр. и радиоэлектроники, 2018. – С. 65–66.

MAKTAB MATEMATIKA KURSINI O‘QITISHDA INTERFAOL USULLAR

Sayfullayeva Nozima Baxodirovna, Esanova Feruza Xikmatillo qizi

Buxoro davlat universiteti

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada umumta’lim maktablarida matematika fanini o’qitishda ayrim interfaol usullardan foydalanish masalasi “Tub va murakkab sonlar” mavzusini o’qitish misolida yoritib berilgan. Dars jarayonida foydalanish mumkin bo’lgan interfaol usullardan “qoidani to’g’ri ayt” o’yini va “mosini top” usulidan namunalari keltirilgan.*

***Kalit so’zlar:** matematika fani, tub sonlar, murakkab sonlar, dars jarayoni, interfaol usullar, “qoidani to’g’ri ayt” o’yini, Eratosfen g’alviri.*

Zamonaviy ta’limni tashkil etishga qo’yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o’quvchilarga yetkazib berish, ularda ma’lum faoliyat yuzasidan ko’nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, o’quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko’nikma va malakalar darajasini baholash o’qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta’lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Ushbu tezisdagi umumta’lim maktablarining Matematika kursini o’qitishda ayrim interfaol usullarni qo’llash masalasi “Tub va murakkab sonlar” mavzusi misolida tushuntiriladi.

Bizga maktab matematika kursidan yaxshi ma’lumki, “Tub va murakkab sonlar” mavzusi “Bo’linish belgilari” mavzusidan keyin keladigan mavzu bo’lib, o’quvchi natural sonlarning 2 ga, 3 ga, 5 ga, 9 ga va 10 ga bo’linish belgilari haqida batafsil ma’lumotga ega bo’lsagina tub va murakkab sonlar mavzusini o’zlashtirishda qiyinchilikga uchramaydi. Bunda yangi mavzu bayoniga o’tishdan oldin o’tilgan darsni o’quvchilar hukmiga “Qoidani to’g’ri ayt” o’yinini havola qilish mumkin:

1) Sonning bo’luvchisi deb –

- 2) Sonning karralisi deb –
- 3) Bo'linish belgisi deb –
- 4) bu son 2 ga bo'linadi;
- 5) bu son 3 ga bo'linadi;
- 6) bu son 5 ga bo'linadi;
- 7) bu son 9 ga bo'linadi;
- 8) bu son 2 ga bo'linadi.

O'quvchilar navbat bilan yuqorida sanab o'tilgan 8 ta qoidaga javob beradilar. Bu jarayonda o'qituvchi javobning to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligiga qarab izoh va to'ldirishlar qilishi mumkin.

O'tilgan mavzuni takrorlashda “Mosini top” usulidan ham foydalanish yaxshi samara beradi. Bu usulda “Qoidani to'g'ri ayt” o'yinidan farqli o'laroq javoblar aralash shaklda bo'lsada jadvalda o'z aksini topgan bo'ladi. Bu esa o'quvchilarga to'g'ri javoblarni eslashda yoki mantiqiy fikrlab topishda biroz imkoniyat yaratadi. Chunki ko'p hollarda javoblarni taqqoslash orqali ham bilimlarni mustahkamlar hamda o'tilgan tushunchalarni mustahkamlash yaxshi samara beradi.

Shu bilan bir qatorda bu o'rinda buyuk ajdodlarimizning mavzuga oid tadqiqot natijalaridan, tarixiy ma'lumotlardan keltirish orqali o'quvchilarda ajdodlarimizga nisbatan hurmat-izzatni shakllantirish mumkin. Masalan, buyuk ajdodimiz Abu Ali ibn Sino (980-1037) dunyoga mashhur “Tib qonunlari”ni yaratgan alloma bo'lish bilan birga, uning matematikaga oid tadqiqotlari ham bor. Dars davomida Abu Ali ibn Sinoning “Ash-shifo” asarining “Sonlar fani” bo'limidan olingan quyidagi natijalarni keltirish mumkin.

Agar sonni 9 ga bo'lganda:

- 1) 1 yoki 8 qoldiq qolsa, bu sonning kvadratini 9 ga bo'lganda 1 qoldiq qoladi;
- 2) 2 yoki 7 qoldiq qolsa, bu sonning kvadratini 9 ga bo'lganda 4 qoldiq qoladi;
- 3) 4 yoki 5 qoldiq qolsa, bu sonning kvadratini 9 ga bo'lganda 7 qoldiq qoladi;
- 4) 3 yoki 6 qoldiq qolsa, bunday sonning kvadrati 9 ga bo'linadi.

O'quvchilarga bir nechta misollarda Ibn Sino isbotlagan bu tasdiqlarni tekshirib ko'rish tavsiya etiladi.

O'qituvchi o'quvchilarning yangi mavzuni o'zlashtirishga tayyor ekanligiga ishonch hosil qilgach, yangi mavzu bayoniga o'tishi mumkin. Yangi mavzuga oid ma'lumotlar berilgach, darslikda keltirilgan misollar tahlil qilinadi.

Shu o'rinda mavzuga oid tarixiy ma'lumotlardan keltirish, xususan "Eratosfen g'alviri" haqida tushuncha berish o'quvchilarda matematika faniga bo'lgan qiziqishlarini yanada orttiradi.

Sonlarning bo'linish belgilari, tub sonlar juda qadim zamonlardan oq matematiklar diqqatini o'ziga tortgan. Ayniqsa, tub sonlar, ularning nechtaligi, natural sonlar qatoriga qanday joylashganligi bilan ko'pchilik olimlar qiziqishgan va chuqur tadqiqotlar olib borishgan. Yunon olimi Yevklid (eramizdan avvalgi III asr) tub sonlarning cheksiz ko'pligini isbotlagan.

Tub sonlar jadvalini tuzish usullaridan eng qadimgisi va eng soddasi yunon matematigi Eratosfen taklif qilganidir. Bu usul quyidagidan iborat: 2 dan boshlab biror natural songacha, masalan 100 gacha bo'lgan barcha natural sonlar yoziladi va undagi murakkab sonlar o'chiriladi. O'chirilmay qolganlari – tub son bo'ladi.

Go'yoki Eratosfen 100 ta natural sonni g'alvirga solib elagan: tushib ketganlari murakkab, qolganlari esa tub sonlar bo'lgan. Shuning uchun ham u taklif qilgan usulni "**Eratosfen g'alviri**" deyishadi.

Darsni yakunlashdan oldin, o'quvchilarning mavzuni o'zlashtirganlik darajasini aniqlash maqsadida savollar berish mumkin. Mavzuga oid testlardan dars yakunida o'quvchilar bilimni qisqa muddatda baholashda foydalanish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, maktab o'quvchilariga Matematika kursining "Tub va murakkab sonlar" mavzusini o'qitish jarayonida maqolada keltirilgan ma'lumotlardan foydalanish orqali darsning o'tilgan mavzuni takrorlash, yangi mavzuni bayon qilish, mavzu bo'yicha olingan bilimlarni mustahkamlash qismlarini samarali tashkil etish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOT

1. Haydarov B.Q. Matematika 5 sinf (umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5- sinfi uchun darslik). Toshkent: Yangiyo'l Poligraf Servis, 2015. - 240 b.

DEMOKRATIK JAMIYAT YARATISHNING HUQUQIY TAMOYILLARI.**Dadayev Boxodir G‘ayrat o‘g‘li**

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti “Xalqaro huquq” fakulteti talabasi

Annotation: *Maqolaning mazmuni demokratik jamiyat qurishda zaruriy huquqiy tamoyillar hamda ushbu tamoyillarning negizida yaratish mumkin bo‘lgan bugungi kundagi muhim hisoblangan demokratiya haqidadir. Mazkur maqolada demokratiyaning jamiyat rivojlanishidagi ahamiyati va muhimligi bir nechta nazariy fikr-mulohazalar bilan tizimli tahlil asosida yoritilib berilgan.*

Keywords: *demokratik jamiyat, huquqiy tamoyillar, demokratiya, fikr mulohazalar, tizimli tahlil.*

Introduction: O‘zbekiston – suveren demokratik respublika.²¹ Bugungi kunda dunyo miqyosida demokratiya, demokratik jamiyat to‘g‘risida muayyan mo‘tadillashgan ilmiy konseptsiyalar ishlab chiqilgan. Ularda demokratik jamiyatning qiyofasi, asoslari va rivojlanishining umume'tirof etilgan qonuniyatlari hamda uning har bir davlat, xalqning milliy-ma'naviy xususiyatlari bilan bog‘liq jihatlari tobora keng miqyosda o‘z ifodasini topmoqda.²²

O‘zbekiston Respublikasida barpo etilayotgan demokratik jamiyat - uning o‘ziga xos xususiyatlarini aniqlash, o‘rganish zarurati ham shu qonuniyat bilan bog‘liqdir.

Demokratiya tamoyillari milliy qadriyatlar bilan to‘ldirib borilmoqda. Shuningdek jamiyatimizdagi bu jarayonni atrofimizda ro‘y berayotgan ijtimoiy-siyosiy voqealar va ular o‘rtasidagi o‘zaro bog‘lanishlarni aniq voqeligimiz bilan chambarchas o‘rganish, tahlil etish zarurdir. Buning muhimligini birinchi Prezidentimiz I.A.Karimovning quyidagi gaplari bilan ko‘rsatishimiz mumkin: “Pirovard maqsadimiz – ijtimoiy yo‘naltirilgan barqaror bozor iqtisodiyotiga, ochiq

²¹ www.lex.uz O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 1-moddasi.

²² Azizxo‘jaev A.A Demokratiya – xalq hokimiyati demakdir. – T.: 1996.

tashqi siyosatga ega bo‘lgan kuchli demokratik huquqiy davlatni va fuqarolik jamiyatini barpo etishdan iboratdir”.²³

O‘zbekistonda demokratik jamiyat qurish vazifalarining fuqarolik jamiyati asoslari bilan mushtarakligi, inson huquq va erkinliklarini, ularning qonun oldida tengligini amalda ta‘minlashiga qaratilgandir. Unga erishish shart-sharoitlarini, asosiy yo‘nalishlarini bilish demokratik jamiyat to‘g‘risida yaxlit tasavvur beradi. Bu bugungi kunda hayotimizda uchrab turgan demokratiyaga zid bo‘lgan ayrim nosog‘lom xatti-harakatlar, “demokratiya niqobi bilan” uning milliy-ma‘naviy xususiyatlarini, O‘zbekiston xalqi turmush tarzi, milliy-ma‘naviy qadriyatlarini: tarixi, tili, madaniyati, urf-odat va an‘analarini hisobga olmasdan, demokratiyaga baho berishdagi bir tomonlama, noxolis urinishlarning ham tub maqsadlarini, asl muddaolarining mohiyatini anglashga yordam beradi.

Demokratiya – bu hokimiyat va fuqarolik mas‘uliyati barcha fuqarolarning to‘g‘ridan to‘g‘ri yoki o‘zlarining erkin saylagan vakillari vositasida amalga oshiradigan boshqarish tizimidir;

Demokratiya ko‘pchilik hokimiyati va shaxsiy huquq prinsiplariga tayanadi. Demokratik davlat markaziy hokimiyat organlari kuch-qudratining oshib ketishiga yo‘l qo‘ymaydi, barcha darajadagi hokimiyatlarni fuqarolar uchun ochiqligini ta‘minlash, barcha kishilar ehtiyojlariga aks sado bera olishi uchun mintaqaviy va mahalliy darajalardagi hokimiyatlarni nomarkazlashtiradi;

Demokratik ustunlar



²³ I.A.Karimov. O‘zbekiston XXI asr bo‘lag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari T: O‘zbekiston, 1997, 3-bet.

Conclusions: Biz yangi O‘zbekistonni xalqimiz bilan birgalikda barpo etamiz, degan ulug‘vor maqsadni o‘z oldimizga qo‘yganmiz. Bu borada “Jamiyat – islohotlar tashabbuskori” degan yangi g‘oya kundalik faoliyatimizga tobora chuqur kirib bormoqda.²⁴

Boshqaruv tizimi sifatini oshirishda “Xalq davlat organlariga emas, balki davlat organlari xalqqa xizmat qilishi kerak” degan asosiy tamoyilni amalda to‘liq ta‘minlash bo‘yicha hali ko‘p ish qilishimiz zarur.²⁵

So‘nggi yillarda yurtimizda demokratik islohotlarni amalga oshirish, jumladan, inson huquq va erkinliklari hamda qonun ustuvorligini ta‘minlash borasida olib borilayotgan ishlar yuqoridagi fikr mulohazalarning isbotidir.

Ayni paytda biz inson huquq va erkinliklarini himoya qilish va ta‘minlashda amalga oshirgan ishlarimizdan ko‘ra, oldimizda turgan vazifalar anchayin salmoqli hamda katta masshtabni qamrab oladi.

References:

1. www.lex.uz O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.
2. I.A.Karimov. O‘zbekiston XXI asr bo‘sag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari T: O‘zbekiston, 1997, 3-bet.
3. <https://review.uz/uz/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-savkat-mirzиеevning-olij-mazlisga-murozaatnomasi> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28.01.2020..
4. Azizxo‘jaev A.A Demokratiya – xalq hokimiyati demakdir. – T.: 1996.

²⁴ <https://review.uz/uz/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-savkat-mirzиеevning-olij-mazlisga-murozaatnomasi> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28.01.2020.

²⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28.01.2020.

COMPARATIVE ANALYSIS AND LINGO-DIDACTIC ISSUES OF REPORTED SPEECH IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Turaxon Abdurahmanov,

2nd year of masters of foreign languages faculty,

Andijan state university

Abstract: *the article analysis of the study of lingua-didactic issues of improper direct speech in modern linguistics. It reveals that direct speech preserves the peculiarities of the speaker's speech - lexical, emotional and evaluative, and maintains the rules of substitution of personal pronouns and personal forms of verbs in Uzbek and English languages.*

Keywords: *direct speech text linguistics, verbs, semantic characteristics, author, character, Uzbek and English language*

In modern linguistics, the development of problems remains very relevant, related to the study of other people's speech transmissions. One of the modes of transmission of someone else's speech in addition to direct and indirect speech remains the object of study for linguists. Its specificity is that it, as well as direct speech, preserves the peculiarities of the speaker's speech lexico-phraseological, emotional and evaluative elements; on the other hand, as in indirect speech the rules for the replacement of personal pronouns and personal forms of verbs are maintained. It was established, that non-direct speech is quite common in various texts and can range from one lexical unit to an entire sentence.

In English, as in Uzbek, there are direct speech and indirect speech, which are widely used in speaking and writing.

An excerpt is a statement that conveys the author's speech without any changes. Assimilation is the act of conveying the author's speech to another person by adapting it to the time and person. For example, consider the following sentence:

- Tom said 'I'm am tired'. (Tom said - author's statement, 'I am tired' - quote; Tom's statement is given without any changes.)

- Tom said he was tired. (Tom said, 'he was tired', assimilation, Tom's words are adapted to time and person)

Generally, to make a quotation sentence into an adverbial sentence, the tense in the quotation is postponed for a while, and the person, rhyme, and other tenses are changed.

Let us look at the order of change of times:

Present Simple Tense and Past Simple Tense

- ✓ He said 'my mother is a lawyer' He said that his mother was a lawyer.
- ✓ He said 'I don't like coffee' He said that he did not like coffee.

Present Continuous Tense and Past Continuous Tense

- He said 'I am having my hair cut today' He said that he was having his hair cut that day.

Past Simple Tense and Past Perfect Simple Tense

- He said 'I started as a He said that he had started out as acher.

Past Continuous Tense and Past Perfect Continuous Tense

7. He said 'I was having a bath at five o'clock yesterday' He said that he had been having a bath at five o'clock the day before.

Present Perfect Simple Tense and Past Perfect Simple Tense

He said 'I have passed my driving test.' He said that he had passed his driving test.

Present Perfect Continuous Tense and Past Perfect Continuous Tense

- He said 'I have been having English lessons for a year.' He said that he had been having English lessons for a year.

Indirect speech is one way of transmitting of someone else's speech, characterized by the author's and of the character. Due to its peculiarities, the problem of someone else's expression during the development of linguistic thought has always been at the center of interests of scientists.

Attention of researchers attracts the problem of functioning of non-direct speech as a part of super phrase unity; a typology is being developed of non-direct speech on modern prose material on different languages; means of entry are identified and systematized of direct speech; its formal signs etc. For example, direct

speech is a improper component of such a significant concept as the theory of the "author". Studies of the "image of the author" in the literary works have recently become are very popular, and therefore, the direct speech is receiving more and more attention. All kinds of strangers' speeches are distinguished by the author's background, in which they intertwine in different ways, performing a variety of stylistic functions. In terms of component analysis, how the rule is that the reproduction of someone else's speech consists of two parts - input (author's words) and transformation of someone else's speech (internal speech of the character).

Modal verbs and other auxiliary verbs change as follows: *He said 'Tom will win the match'; He said (that) Tom would win the match; He said 'I can speak five languages'; He said (that) he could speak five languages; He said 'I have to / must go'; He said (that) he had to go.*

In other cases, it is better that the modal verbs might / could / should / would/ought to be used in the quotation remain unchanged

The modal verb **must** change to the modal verb **had to** when it expresses an obligation in a quotation, and it must remain unchanged when it expresses a command (demand) or a logical conclusion.

He said 'I must go now' (obligation); He said that he had to go then.

The direct speech of the Uzbek language is the transmission of someone else's statement, accompanied by with the author's words. Direct speech is most often related to verbs of statements or thoughts in the author's words such as say, ask, answer, confirm, exclaim, say, whisper, confirm, object, think over, decide, etc; less often - with verbs indicating the character of speech, its connection with the previous statement that to start, to continue, to conclude, to interrupt, to finish up, etc. Author's words may include verbs that indicate the feelings of the speaker, his/her inner state (to be happy, to be upset, to be offended, to be horrified; verbs for mimics, gestures, movements that smile, laugh, frown, breathe, jump up, approach, run up, etc.

In the definition of indirect speech, it is necessary to proceed from the fact that in this way of transfer someone else's proverb inevitably changes its lexical-grammatical structure, becoming an appendage proposal or a member suggestion.

Within the statement itself there are also significant changes (by time, modality and person categories) under the influence of the input component, and may also be observed omitting, replacing or adding new lexemes. Indirect speech always functions as part of a complex sentence, including both parts of it: transmitting (the author's speech) and transmitting the hero's speech. The verbs that introduce indirect speech are much less than the verbs that introduce direct speech. Thus, for example, some semantic group heads do not introduce indirect Speech smile, nod, etc.; or it's much less common than direct speech such as continue, insert, plead, etc.

By "sensual perception," we mean ability; the state in which a person is able to be aware of the surrounding environment, has control over his or her own souls and the process of feeling and perception itself; the ability to actively experience, respond to life's impressions, sympathize with something.

The fourth journey into space... However, he's never I thought I'd make such a long leap over space and time. Seven hundred years old! With such a rapidity of life, the growth of new achievements, discoveries, with those horizons of knowledge, that have already been achieved on Earth...

Thus, the introductory verbs of non-direct speech in English literary texts are marked with its semantics, different kinds of internal processes of generation of the speech, which belongs to the addressee.

References

1. *Bakhtin M.M.* Problems of the text. // Bakhtin M.M. *Sobr. Soch.* M. M.: Russians dictionaries, 1996. T. 5. P. 306-328.
2. *Vinogradov V.V.* About the theory of artistic speech. M.: Higher school, 1971. P.p. 241-243.
3. *Efremov I.A.* Andromeda Nebula. Fantastic works / Ivan Efremov. Moscow: Excmo, 2008. P. 786.
4. *Popova L.G.* Reproduction of internal speech in German and Russian artistic texts from the perspective of pragmatic linguistics.

CHET TILI DARSLARINI INTERFAOL USULDA TASHKIL ETISH**XAYDAROVA NARGIZA RAJAB QIZI****SAMDCHTI MAGISTRANTI**

Bugungi kunda xorijiy tillarni bilish ko‘nikmasi professional ta‘limning ajralmas qismlaridan biri bo‘lib bormoqda. Zamonaviy jamiyatda chet tillari kasbiy ta‘limning muhim tarkibiy qismiga aylanmoqda. Axborot texnologiyalari va zamonaviy o‘qitish usullaridan foydalanish qobiliyati yangi materiallarni tezkor tushunishga yordam beradi.

Turli usullarni birlashtirib o‘qituvchi muayyan ta‘lim dasturlarini yechishga qodir bo‘ladi. Shu munosabat bilan o‘qituvchi va talabalar xorijiy tillarni o‘qitishning zamonaviy usullari bilan tanishishlari kerak. Natijada maqsadlariga erishish uchun eng samarali usullarni tanlay bilish ko‘nikmalari shakillanadi. Bunda o‘qitish va o‘rganishning bir necha metodlaridan foydalanish samarali natija beradi.

Har bir metod psixologik asosga ega. Bolaning o‘quv materialini o‘zlashtirishdagi yosh imkoniyatlari va uning yetuklik darajasi o‘qitish va o‘qish usullariga juda katta ta‘sir ko‘rsatadi. O‘quvchilarning fikrlash faoliyatini va shaxsiy xususiyatlarini yaxshi bilish o‘qitishning samaraliroq usullarini topish imkonini beradi. Biz foydalanadigan metodlar o‘sayotgan organizmning anatomik-fiziologik, biologik xususiyatlariga ham bog‘liqdir. Ta‘lim metodlari nazariy jihatdan yaxshi asoslangan bo‘lishi, pedagogik nazariyadan kelib chiqishi kerak, ammo, ta‘lim metodlari amalda qo‘llanilmasa, foydasiz bir narsaga aylanadi. Amaliy yo‘llanganligi ta‘lim metodlarining eng muhim tomonlaridan biridir. Bu metodlarda pedagogik nazariya amaliyot bilan bevosita bog‘langan. Nazariya qancha chuqur va ilmiy bo‘lsa, ta‘lim metodlari o‘shancha samarali bo‘ladi.

O‘qitish metodlarini bilish manbalari bo‘yicha tasniflash ancha oddiy bo‘lib, ular maktab amaliyotida keng tarqalgan. Bu belgi bo‘yicha metodlar quyidagi uch guruhga bo‘linadi:

ZAMONAVIY TARAQQIYOTDA ILM-FAN VA MADANIYATNING O‘RNI

1. Og‘zaki metodlar (bilimlarni so‘z bilan bayon qilish, suhbat, darslik ma’lumotnoma va ilmiy adabiyotlar bilan ishlash).
2. Ko‘rsatmali metodlar rasmlar, namoyishlar, kuzatishlar.
3. Amaliy metodlar (mashqlar, laboratoriyadagi amaliy ishlar). Bular ma’lum darajada shartlidir, chunki mazkur metodlarning hammasi o‘zaro chambarchas bog‘liq bo‘lib, ularni doim ham aniq chegaralab bo‘lmaydi. O‘qituvchi darsga tayyorlanishda va uning uchun eng muvofiq metodlarni tanlashda aynan shu metodlarning bajarilishi mumkinligini va ularning strukturasi hisobga olib, shu asosda, masalan, rag‘batlantirish, tarbiyaviy va kamol toptirish vazifalarini kuchaytiruvchi murabbiydir.

Ta’limning interfaol metodlari. Interaktiv metodlar o‘quvchi va o‘qituvchining birgalikdagi faoliyati bo‘lib, asosan o‘quvchilarni fikrlashga undaydi. Interfaol ta’lim – bilim, ko‘nikma, malaka va muayyan ahloqiy sifatlarni o‘zlashtirish yo‘lidagi o‘zaro harakatlarni tashkil etishga asoslanuvchi ta’limdir.

Interfaol metodining asosiy maqsad va vazifalari quyidagilardan iborat:

1. O‘quvchilarni mustaqil, ijodiy tanqidiy, mantiqiy fikrlashga o‘rgatish;
2. Muammoli vaziyatni amaliy va hayotiy topshiriqlar asosida yechish;
3. O‘z-o‘zini fikrlashga majbur etish;
4. Faollashtirish;
5. O‘quvchilarni tashkilotchilik va yo‘naltiruvchanlikka undash;
6. Do‘stona munosabatlarni shakllantirish.
7. Refleksiya Interfaol usul tarbiya nuqtai nazaridan, har bir kishini ruhiy, ilohiy tavsifini ko‘zda tutgan hoda, xalqaro miqyosdagi ta’lim – tarbiya yangiliklarni hamda ma’naviy manbalarimizdagi aks ettirilgan intellektual salohiyatimiz ko‘nikmalariga asoslanib komil farzand tarbiyalash demakdir.

Interfaol metodlarni tanlash mezon – ularning ta’lim va tarbiyani rivojlantirish masalarni yechishga yuqori yo‘nalganligidir. Bu mezon turli xil metodlarni u yoki bu doiradagi vazifalarni yechish imkoniyatlarini baholash yo‘li bilan joriy etiladi, chunki ijtimoiy tajriba elementlarini o‘zlashtirishda ularning

imkoniyatlari turlichadir. Interfaol metodlarni tanlashning navbatdagi mezonlari ularning ta’lim mazmuni xususiyatiga mos kelishdir.

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak zamon ilgarilab borgani sari har bir sohada yangilik ko‘paymoqda. Til o‘rgatishda ham turli uslublar paydo bo‘lmoqda. Ingliz tilini o‘rgatishda o‘rganuvchining salohiyat va darajasi, yoshidan kelib chiqqan holda bosqichma -bosqich o‘rgatish yaxshi natija beradi.

Zeroki bugungi o‘shib borayotgan avlodni har tomonlama mukammal kadr qilib o‘stirishda ta’limning ayniqsa xorijiy tillarning o‘ziga xos roli mavjud. O‘quv jarayonini samarali va qiziqarli shaklda tashkil etish bugungi kunning dolzarb masalasiga aylandi. Bu borada yurtimizda ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim haqida»gi Qonuni. – T., 1997. 29 avgust.
2. «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi». – T., 1997. 29 avgust.
3. Juraboyev, B. B. U. (2021). Problems and solutions for online teaching and learning of foreign languages.
4. Samarova, S. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. Eastern European Scientific Journal, (6).
5. Lyaudis V.L. - Metodika prepodavaniya psixologii, iz.vo 2000 URAO

FEATURES OF ENGLISH LANGUAGE TEACHING IN PRIMARY EDUCATION

Hikmatov Diyorbek Xamroqul o'g'li

***Annotation:** In this article, the first group consists of natural and social sciences (physics, chemistry, history, etc.) that teach the basics of science, the first feature of which is to serve to create in the minds of students the correct ideas and concepts about science data are shown.*

***Keywords:** learning environment, language experience, language learning, language acquisition, initiative speech, proportionality.*

The difference between English and other subjects in the education system is at the same time, it is both an educational goal and an educational tool. English language skills (listening, speaking, reading, writing) while the purpose of education is new and obtaining useful information also acquires the status of a means of delivery. English differs in its coverage of the subject matter approaches are available. Researchers didactic, psychological, practical of a foreign language (functional), expressed opinions on the basis of education (I. V. Raxmanov, V. S. Setlin, J. J. Jalolov, T. Q. Sattorov, S.S. Saidaliyev et al.). T.Q. Sattorov, a definite Methodist, follows the subject of English classifies on the basis of pedagogical and psychological features:

1. The speech environment for communication in the native language and English is drastically different. Extracurricular activities for students to communicate in English almost non-existent. There is always a natural environment for the mother tongue.

2. The mother tongue is absorbed into a person's daily activities. For English while such an opportunity does not exist. Communicate with students in English classes it is necessary to create artificial speech situations for the purpose of teaching.

3. The human child perceives the environment through the mother tongue and interacts with people. The situation with teaching English is quite different.

The concept of learning environment is about ensuring effectiveness in English language teaching natural conditions, at least 1000 hours of communication with an English speaker, pedagogical skills of the teacher, physiological age of the student, features of psychological and cognitive activity, time spent on the subject, and such as students' attitudes toward the subject and their ability to learn factors. To get a broader picture of these factors in order to learn English naturally and artificially

Let's compare the study: Yazid is an 8-year-old Malaysian boy. She speaks English as a second language in school learns as. Outside of school, it's English-language commercials and traffic sees signs that occur in English in a variety of speech situations will be a living witness to communication and interaction. At home it is for children watches English subtitles. She is a teacher and her peers can communicate in English on familiar topics.

Pronunciation, grammar and lexical aspects of the language are studied, and ideas are expressed in English to understand and comprehend takes on the status of a practical goal.

T.Q. Sattorov from the point of view of the relationship between knowledge and skills subjects (a) knowledge and theory (history, literature, geography); (b) disciplines aimed at developing practical skills (Figure, labor education, physical education). English in this regard agrees with the authors of the general methodology of teaching and English is the subject between the two groups above. In conclusion, in the first and second conditions, a foreign language there is a natural environment for learning as a means of communication. Because firstly, unlimited time, and secondly, information in live speech situations there are factors that ensure its correct interpretation, and thirdly, it is being studied it is strong to fall into different social situations when communicating in a foreign language leads to need and high motivation, and fourth, the edge being studied in English, the focus is not on form, but on content, in English-speaking communication is tested

experimentally and studied independently. Most importantly, express your opinion personal initiative is displayed. Therefore, English in the context of natural learning assimilated

Books.

1. Galskova N.D., Nikitenko Z.N. Theory and practice of training inostrannym yazykam. Nachalnaya shkola: Metodicheskoe posobie. - M .: Ayriss-press, 2004. - 240 p.
2. Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. - L .: & N.Y .: Routledge, 2005. - 258 p.
3. Pinter A. Children learning second languages. Research and practice in Applied Linguistics. - UK .: Palgrave & Macmillan, 2011. - 308

УЗУМ УРУҒИ ТАРКИБИДАГИ ЭКСТРАКТИВ МОДДАЛАРНИ АНИҚЛАШ

Рустамов Санжар Аширалиевич

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори

Юлдашева Суғдиёна Махмуджон қизи

АДУ, кимё таълим йўналиши I-босқич талабаси

Индира Махамат Марселевна Муслимова

АДУ, кимё таълим йўналиши I-босқич магистранти

***Аннотация:** Ушбу мақолада озиқ-овқат саноатининг иккиламчи маҳсулоти бўлган узум уругини турли эритувчилардаги экстрактив моддалар йиғиндисини аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.*

***Калит сўзлар:** узум уруги, экстрактив моддалар, биологик фаол бирикмала*

Дунёда доривор ўсимликлар ва ҳайвонлар организмидан ажратиб олинган доривор ва шифобахш моддаларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳозирда доривор ўсимликлар асосида кўплаб биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқилмоқда ҳамда амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Таркибида доривор ўсимликлар, ҳайвонлар организмидан ажратиб олинган биологик фаол қўшимчалар, модификация қилинган кўплаб табиий моддаларнинг биологик фаоллиги ҳамда кам захарлилиги синтетик усулда олинган моддаларга нисбатан юқори биологик фаолликка эга эканлиги маълум. Шундан келиб чиқиб таркибида доривор ўсимлик ва ҳайвон организмидан ажратиб олинган биологик фаол бирикмалар ёрдамида кенг таъсирга эга, янги турдаги биологик фаол қўшимчаларни яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади [1].

Ноананавий дори-дармонлар ҳозирги кунда инсонлар саломатлигини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун тобора оммалашиб бормоқда [2]. Ҳозирги вақтда тиббиётда кенг спектрдаги синтетик дори воситалари ишлатилади. Дунё тиббиёт амалиётида 42% дан ортиқ ўсимлик

хом ашёсидан олинган препаратлардан фойдаланилади. Шундай табиий манбалардан бири узум уруғи ҳисобланади. Уруғ таркибида макро ва микроэлементлар, полифенол бирикмалар, тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари, витаминларга бой бўлиб антиоксидан, ҳужайра ва тўқималарни қаришини секинлаштирувчи, юрак-қон томир, саратон ва турли яллиғланиш касалликларини олдини олиш, даволаш профилактикасида амалий тиббиёт ҳамда халқ табobatiда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Барча турдаги доривор ўсимликларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш уларнинг қай даражада зарарсиз, истемол учун яроқли ва самарали даволовчи ҳусусиятга эга эканлигини кўрсатиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Турли эритувчилар ёрдамида доривор ўсимликлардан ажратиб олинган моддалар йиғиндиси “экстрактив моддалар” деб аталади.

Аксарият холларда эритувчи сифатида сув ва турли хил фоизли (40 %, 50 %, 60 %, 70 %) спиртлар ишлатилади ҳамда бошқа органик эритувчилар, аралашмалардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам битта доривор ўсимликнинг ўзидан турли эритувчилар ёрдамида ажратиб олинган экстрактив моддалар таркиби ва миқдори ҳар хил бўлади [3].

Экстракт моддалар миқдори маҳсулот сифатини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат фармокопея (ДФ) талабларида доривор ўсимлик маҳсулототидаги экстрактив моддаларни миқдорини аниқлашни тақозо этади.

Узум уруғи таркибида экстрактив моддалар миқдорини аниқлашда ДФ талабларидан келиб чиқиб бажарилди

Узум уруғи таркибида экстракт моддалар миқдорини аниқлаш учун экстрагент сифатида дистирланган сув ва концентрацияси 40% 70% ва 96% бўлган сув-спирт эритмаларидан фойдаланилди. Таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Узум уруғи таркибдаги экстрактив моддалар миқдори

Экстрагент			
Дистирланган сув	40 % этил спирт	70 % этил спирт	96 % этил спирт
10,16	17,98	15,88	10,26
10,25	18,21	16,86	11,28
10,10	19,54	14,63	12,85

Олинган натижада кўриниб турибдики узум уруғи таркибида экстракт моддалар этил спиртини 40% эритмаси билан экстракция қилинганда энг кўп миқдорда ажралиб чиқиши аниқланди. XI ДФ маълумотларида уларнинг меъёри 7% дан кам бўлмаслиги керак деб белгиланган. Бошқа эритувчиларда олинган экстрактив моддалар миқдори, юқорида санаб ўтилган сонли кўрсаткичларни XI ДФ да келтирилган усуллар бўйича аниқланди.

Виночилик саноати иккиламчи махсулоти бўлган узум уруғи ўзининг бой кимёвий таркибига қуйидаги гуруҳдаги биологик фаол бирикмалар: бета-каротиноидлар, углеводлар, органик кислоталар, витаминлар, минерал моддалар, клетчатка, крахмал, кумаринлар, гликозидлар, флавоноидлар, микроэлементлар йиғиндиси, ошловчи, ароматик моддалар, фитонцидлар ва бир қатор бошқа фойдали моддалар киришини инобатга олиб келажакда узум уруғини фармацевтика саноатида дастлабки хом-ашё сифатида фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Р.Асқаров. Табобат қомуси. Мумтоз сўз. Тошкент-2019
2. Yongnian Ni, Minghua Mei, Serge Kokot. One- and two-dimensional gas chromatography–mass spectrometry and high performance liquid chromatography–diode-array detector fingerprints of complex substances: A, comparison of classification performance of similar, complex Rhizoma Curcumae samples with the aid of chemometrics, *Analytica Chimica Acta*, Volume 712, 2012, Pages 37-44.
3. Государственная Фармакопея РФ XVI изд. Минздрав РФ. [офиц. сайт] URL: <http://www.femb.ru/feml>. Москва, 2016.

ТИПОЛОГИЯ ЦИТАТ ИЗ КУРЪАНА В ПЕРЕВОДЕ «БАБУРНАМЕ» НА РУССКИЙ ЯЗЫК.

Алтмишева Ёркиной Мажидовна

Старший преподаватель

Андижанский государственный университет

Аннотация: В статье проанализированы цитаты из Куръана в сочинении «Бабурнаме» Захириддина Мухаммада Бабур и предложена их типология.

Ключевые слова: методы, типология, Куръан, религиозный контент.

Процесс перевода Куръанического контента отличается сложностью и многоаспектностью. В выборе методов перевода следует учитывать ряд таких факторов, как определение авторской задачи, языковое окружение лексической единицы, номинирующей реалию, а также ее значение и функциональную нагрузку в определенном контексте. Выбор только одного приема перевода может привести к «перегрузке» текста или к обеднению национального колорита художественного произведения. Таким образом, транслатологу целесообразно использовать комбинированный способ передачи исламских реалий, который поможет достичь максимальной близости к тексту оригинала.

Большое значение в исследовании имеет другой формально-логический метод — классификация, которая позволяет увидеть специфику явлений, их разнообразие, свойства, связи и зависимости, общее и специфическое и посредством этого проникнуть в их сущность. В тексте «Бабурнаме» использовано 142 аята из 23 сур.

Типология религиозных контентов, актуализированные в «Бабурнаме», а именно:

1. Начало молитвы – Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм: – Во имя Аллаха Милостивого, Милосердного! , [1,с.11, с.231; 2, 1:1].

2. Аяты из сур Куръана с указанием на качества Аллаха:

«Это — милость Аллаха, дарует он ее, кому хочет: Аллах — владыка милости превеликой [1,с.359; 2, 57:15]»; «А если весы его тяжелы, то будет он жить жизнью благою» [1,с.365; 2, 101:54]; «Не унывайте и не печальтесь, ибо вашей будет победа» [1,с.371; 2, 3:133]; «от Аллаха поддержка и близкая победа; обрадуй же правоверных» — [1,с.371; 2, 61:13]; «Поистине, даровали мы тебе победу явную...» — [1,с.372; 2, 48:1]; «Поддержит тебя Аллах поддержкой могучей» — [1,с.372; 2, 48:3].

3. Аяты из сур Куръана с обращением к Аллаху за помощью –

«Скажи, о боже мой, о властитель власти, ты даешь власть, кому хочешь; и отнимаешь власть у кого хочешь; ты возвышаешь, кого хочешь, и унижаешь, кого хочешь, в руке твоей благо, и во всякой вещи ты властен [1,с.148; 2, 3:25]» «Во имя Аллаха, милостивого,! Господи, ты — мой владыка, нет бога, кроме тебя. На тебя возложил я упование, ты — господь великого престола. Чего пожелает Аллах, то будет, чего не захочет — не случится. Нет мощи и силы, кроме как у Аллаха, высокого, великого! Знай, что Аллах властен над всякою вещью и поистине объял он все своим знанием и исчислил все счетом. Боже мой, у тебя ищу защиты от зла собственной [страстного желания] души и от зла других [страсти] людей, от зла всякого злодея и от зла всякого животного, ибо ты схватишь злодея за хохол. Поистине ты — владыка великого престола» [1,с.231; 2, 1:1]; «Скажи: ожидают ли они от нас чего-нибудь, кроме одного из двух благодеяний» [1,с. 3226 ; 2, 9:52]; «Иншааллох - Если пожелает Аллах» [1,с.298; 2, 104:12]; «Иншааллоху таоло –Если пожелает Аллах великий» [1,с.399].

4. Аяты из сур Куръана с раскаянием, прощением:

«Я раскаялся перед тобой, и я первый из предавшихся богу» — [1,с.369; 2, 7:140]; «Господи, обидели мы самих себя» [1,с.359; 2, 7:23].

5. Аяты из сур Куръана о наказании и награждении, предупреждающие:

«Кто преступил клятву, тот сделал это во вред самому себе, а кто выполнил обет, данный Аллаху, тому дарует он награду великую [1,с.360; 2,

48:10]; «Да покинет его Аллах в день судный» — [1,с.360; 2, 69:35]; «Возвестим им о пытке болезненной...» — [1,с.360; 2, 3:20]; «Да хранит их Аллах от бедствий и опасностей» [1,с.360; 2, 5:90]; «Поддержит тебя Аллах поддержкой могучей» [1,с. 324; 2, 48:3].

6. Аяты из сур Куръана с указанием достоинств людей:

«Великий, идущий правым путем» [1,с.366; 2, 57:16]; «Не пришло ли время для тех, кто верует, смирить сердца свои поминанием Аллаха? » — [1,с.359; 2, 57:21]; «Указующий путь к добру подобен тому, кто его содеял» — [1,с.360; 2, 57:21]; «Кто сражается за веру, тот сражается за самого себя» — [1,с. 363; 2, 29:5]; «Подобны они строению, плотно скрепленному— [1,с.363; 2, 61:4]; «Гордость Та-Ха и Я-Син», названия сур Корана: Та-Ха —20, Я-Син —36[1,с.364; 2]; «Они — на правом пути, ведомые господом, и они суть те, кто спасается» — [1,с.365; 2, 2:4]; «Сколь часто малый отряд одолевал большой отряд с соизволения Аллаха» [1,с.148; 2, 2:249]; «А если весы его тяжелы, то будет он жить жизнью благою» [1,с.373; 2, 101:6].

7. Аяты из сур Куръана с указанием на человеческие пороки:

«душа побуждает ко злу» [1,с.359; 2, 12:53].; «Они суть неверные, нечестивые— [1,с.362; 2, 80:42]; «И отказался он, и возгордился, и стал одним из неверных» — [1,с.364; 2, 2:32]; «как шерсть расчесанная» — [1,с.371; 2, 101:4]; «и разлетелись, словно рассеявшиеся мотыльки» — [1,с.371; 2, 101:3]; «Люди со слоном...» [1,с.365; 2, 105:1].

8. Аяты из сур Куръана с повествованием о каком-либо событии:

«словно мрак, лежащий на мрак» [1,с.365; 2, 24:40]; «И вот воздвигает Ибрахим основы...» — [1,с.148; 2, 1: 24]; «Кто изменил это после того как услышал, — поистине лежит грех на тех, кто изменил это» — [1,с.360; 2, 2:177]; «Мы дали победу» — [1,с.369; 2, 48:1]; «В обитель гибели...» — [1,с.362; 2, 14:33]; «приближенные (к Аллаху) ангелы» [1,с.371; 2, 4:172]; «войска ислама» [1,с.365; 2, 4:95]; «от Аллаха поддержка и близкая победа; обрадуй же правоверных» [1,с.371; 2, 61:13].

9. Цитаты из хадисов пророка (саллаллаху алайхи васаллам) «десяти, получившим благую весть» [1,с.365]; «слоев земли стало шесть, а неба — восемь». Научный комментарий: в нескольких аятах Куръана и в одном достоверном хадисе сказано, что «И земля, и небо сотворены в семь слоев» (Измененная форма хадиса «Ищите знания от колыбели до могилы!») [1,с.365].

«Восхвалим всепрощающего, который любит кающихся и внимает просьбам ищущих помощи; возблагодарим дарителя, направляющего грешных на правый путь и дарующего прощения просящим о прощении; помолимся о лучшем из творений Аллаха — Мухаммеде, о благом его семействе и пречистых сподвижниках». (Восхваление Аллаха и салаваты Его Посланнику (САВ); [1,с.358,314].

Проведенный анализ показал, что исследование исламского контента и их типология на материале «Бабурнаме» имеет огромное значение для определения места Куръанического дискурса в «Бабурнаме».

Литература:

1. Бабурнаме. Записки Бабура. Ташкент, 1958, 528с
2. Коран. Перевод и комментарии И. Ю. Крачковского, М., Наука, 1986.

ВЗГЛЯД НА УЗБЕКСКУЮ НАЦИОНАЛЬНУЮ МУЗЫКУ

Каршинская специализированная художественная школа

Хамраева Гуландом Намозовна

Ахтямова Лариса Лермонтовна

***Аннотация:** Сегодня в независимом Узбекистане, в связи с ростом национального самосознания, возрастает интерес народа к своему историческому прошлому, все более усиливаются тенденции возрождения многовековых традиций, сопровождаемые одновременно процессами переоценки художественных ценностей. Духовная значимость узбекских макамов весьма высока: древнее искусство макамов продолжает свою полнокровную жизнь, составляя основу репертуара многих профессиональных и самодеятельных макомных ансамблей и исполнителей.*

***Ключевые слова:** маком, макомат, традиция, охрана, развитие, система, Шашмаком, наследие, освоение, образование.*

ВВЕДЕНИЕ

Макомное искусство уникальное явление художественной культуры народов Ближнего и Среднего Востока, имеющий древние доисламские корни происхождения, формирование и процесс развития которой связан с эпохой «восточного ренессанса». Именно в период средневековья (IX-XVI века) в изустно-профессиональном пласте музыкального искусства система макомата занимает ведущее положение (макомная система 12 макамов «Дувоздах маком»), свидетельством тому теоретическое обоснование макамов в «Трактатах о музыке» ученых, мыслителей, бастакоров и поэтов, начиная от Фараби до Дервиш Али Чанги, от Борбада до Алишера Навои, где разработанная ими теория макомата, тесно связанная с музыкальной практикой, на протяжении веков имела неоспоримое господство в музыкальной науке и творчестве²⁶. В эпоху позднего средневековья (XVIII-

²⁶ Матякубов О. Узбекская классическая музыка. 1 том. Ташкент, 2015.

XIX вв.) происходят процессы, надолго определившие пути дальнейшего развития макомного искусства – усилилась тенденция к локализации, что привело к образованию специфических черт системы восточного макомата (макам, мугам, маком, мукам, дастгах, нуьба).

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Макомное искусство – формирование (бухарский «Шашмаком»), становление и развитие (циклы «Хорезмские макомы» и «Фергано-Ташкентские макомы», макомные разновидности для дутара и сурная, инструментальные и вокальные произведения). Новое отношение к макомному искусству – нотная фиксация и публикации сборников макома; освоение традиций новой системой музыкального образования (от начального до высшего звена), при сохранении традиционной методики обучения «устоз-шогирд» (мастер-ученик); научно-исследовательская разработка и практическая деятельность; использование в бастакоровском (бастакор – творец образцов музыки в устной традиции) и композиторском творчестве.

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

Узбекское макомное искусство – приоритетное направление в музыкальной культуре; сохранение и охрана его как объекта нематериального культурного наследия; «Шашмаком» - шедевр НКН человечества (2003, 2008); возрождение и развитие под статусом «**национальный**» (миллий). XXI век – новый этап дальнейшего развития узбекского макомного искусства: Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева (ноябрь, 2017), где предусмотрены главные направления – организационная, научно-исследовательская и практическая.

Организационная - создание и функционирование республиканского центра макомного искусства, которое будет заниматься научно-исследовательской (вопросы истории, теории и исполнительства макомов) и практической направленностью (деятельность макомного ансамбля, фестивали, конкурсы, издания, образовательный процесс и др.). С января 2018 года вся направленность координируется республиканским и зональными

центрами макомного искусства. При центре создается лаборатория по совершенствованию народного музыкального инструментария с учетом их специфики исполнительских традиций²⁷.

Образовательный процесс - живая традиция узбекского макома осваивалась традиционной методикой «устоз-шогирд» (мастер-ученик), этом в музыкальной практике Хорезма использовалась своеобразная нотная запись «танбурная нотопись», созданная в последней четверти XIX века в Хиве. XX век – новое отношение к традиционной музыке; в истории музыкальных культур народов Центральной Азии эпоха перелома вековых традиций и поиска путей её обновления, внедрения универсальной нотной системы, создание новой системы музыкального образования.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Макомы были и будут своеобразным феноменом духовной культуры Узбекистана, и залогом этого их сохранность, развитие и популяризации. Самобытность узбекского макомата определяется степенью освоения универсалий макомного искусства сквозь призму музыкально-художественных ценностей культуры, что обусловило и импульсы их функционирования. Узбекские макомы представляют собой живую традицию, благодаря носителям старшего и среднего поколения музыкантов-певцов, которые сохраняют и продолжают развивать это бесценное достояние народа.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Матякубов О. Узбекская классическая музыка. 1 том. Ташкент, 2015.
2. Абдуллаев Р., Хакимов А. и др. Нематериальное культурное наследие Узбекистана (на узб. и англ. яз.). Ташкент, 2017.
3. www.ziyonet.uz
4. www.lib.ru
5. www.wikipedia.com

²⁷ Абдуллаев Р., Хакимов А. и др. Нематериальное культурное наследие Узбекистана (на узб. и англ. яз.). Ташкент, 2017.

СЕЛЕН ИОНИНИ ИНВЕРСИОН ВОЛЬТАМПЕРОМЕТРИК УСУЛДА АНИҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Атакулова Наргиза Абдиганиевна¹,

Зияев Дилшод Абдуллаевич²,

Рихсиева Шахноза Равшан қизи³

¹Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети докторанти

²Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти.

+998993356512

³Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Аннотация. Бугунги кунга келиб инсонларнинг илим фандаги юксак натижалари ҳисобига саноатнинг жадал ривожланиши кузатилмоқда, бу эса ўз навбатида турли ҳил чиқиндилар натижасида флора ва фаунанинг зарарланиши кузатилмоқда. Бази элементлар борки улар инсонлар организмида кам миқдорда учрасада муҳим аҳамиятга эга дир. Шундай элементлардан бири селен бўлиб селенотсистеин аминокислота шаклидаги бази оқсилларнинг фаол марказларининг бир қисмидир. Селен ҳаёт учун зарур бўлган микроэлемент, аммо бирикмаларнинг аксарияти ўртача концентрацияларда ҳам жуда захарлидир. Бугунги кунда турли хил биоэлементларнинг миқдорини аниқлаш бўйича турли ишлар амалга оширилган бўлиб бизнинг тадқиқот ишимизда турли таркибли саноат чиқиндилари таркибидан селен ионларини инверсион вольтамперометрик усулда аниқлашда турли табиатли фон электролитлари, ёндош катионларнинг таъсири ўрганилди. Олинган натижаларга асосланиб саноат чиқиндилари таркибидан селен ионини аниқлашнинг инверсион вольтамперометрик усули ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: селен, саноат чиқиндилари, микроэлемент, фон электролити, инверсион вольтамперометрия, ёндош катионлар.

Ер қобиғида селен миқдори 500 мг/т ни ташкил қилади. Селен 37 та минерал ҳосил қилади, улар орасида ашавалит FeSe, клаусталит PbSe

кабилар кенг тарқалган. Селен ишлаб чиқаришда сульфид конлари катта саноат аҳамиятига эгадир.

Инсон танасида 10-14 мг селен мавжуд бўлиб, унинг кўп қисми жигар, буйрак, талок, юрак, мойклар ва эркакларда сперма ипларида тўпланган. Одамнинг селенга бўлган кунлик еҳтиёжи 70-100 мкг. Танадаги селен таркибининг кўпайиши депрессия, кўнгил айниш, қусиш, диарея, марказий асаб тизимининг шикастланишига ва бошқаларга олиб келиши мумкин.

1990-йиллардаги эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра россияликларнинг 80 фоиздан кўпроғида селен етишмовчилиги мавжуд.

Организмдаги селен витаминлар, ферментлар ва биологик мембраналар билан ўзаро таъсир қилади, метаболизмни бошқаришда, ёғлар, оқсиллар ва углеводлар алмашинувида, шунингдек оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида қатнашади. Селен организмдаги 30 дан ортиқ ҳаётий биологик фаол бирикмаларнинг ажралмас қисмидир. Селен фаол ферментлар антиоксидант, организмнинг антирадик ҳимояси, нуклеин кислоталари, липидлар, гормонлар таркибига киради.

Селен Е витамини ва ёднинг синержистидир. Селен етишмовчилиги билан ёд танага кам сўрилади. Тадқиқотга кўра, селен иммун тизимининг normal ишлаши учун зарурдир. Вирусли инфекцияларга, шу жумладан, Оивга қарши курашиш механизмларида иштирок этади. ОИВ билан касалланган беморларда касалликнинг Оицга ўтишини секинлаштиради.

Ярим ўтказгичларнинг замонавий технологиясида кўплаб элементларнинг селенидлари, масалан, калай, кўрғошин, бизмут, антимон, лантаноидлар ишлатилади. Айниқса, фотоелектрик ва термоелектрик хусусиятлар селен ва селенидларнинг ўзи каби муҳимдир.

Радиотенактив селен-75 изотопи нуқсонларни аниқлаш учун гамма нурланиш манбаи сифатида ишлатилади[1]. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин бўлиб биз селенинг миқдорини доимий назорат қилиб туришимиз,

хамда атроф муҳит объектлари, саноат чиқиндилари ва табиий бойликлар таркибидан аниқлашларнинг юқори сезгирликка эга, қулай, танлаб таъсир этувчанлиги юқори, бир наъмуна таркибидан бир вақтнинг ўзида бир неча ионларни аниқлаш имконига ва тан нархи арзон бўлган усулни танлаб олиш талаб этилади. Юқоридаги талабларга ИВ усули тўлиқ жавоб беради. ИВ усули бугунги кунда турпоқ наъмуналари ва атроф-муҳит объектлари анализини амалга оширишда кенг қўлланилмоқда, чунки ушбу усулнинг қуйи аниқлаш чегарасининг юқорилиги, бир вақтнинг ўзида ҳам сифат ҳам миқдорий таҳлилни амалга ошириш имкони борлиги, тезкорлиги ва таннархи арзонлиги билан бошқа усуллардан афвзалроқ ҳисобланади, шу сабабдан ҳам биз инверсион вольтамперометрия усулидан фойдаланилди [2].

Табиий объектлар таҳлили намуналарини анализга тайёрлашдан бошланади. Бунинг учун олинган намуналардан олиниб улар қуритилади, майдаланади ва фон эритмаси иштирокида филтирдан ўтквозилади, ҳамда ўлчашлар амалга оширилади. Фон электролити сифатида бир қанча турли миқдор ва табиатга эга бўлган фон электролитларидан фойдаланилди: 1М NH_4Cl , 1,0М HCl , 0,2М HNO_3 , 1,0М H_2SO_4 , 0,5М H_3PO_4 кислоталари. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Селен ионини аниқлашда фон электролининг таъсири

($t_0=2,5$ мкА, $t_n=120$ с, $C_{\text{Se}}=0,3$ мг/дм³, $C_{\text{Se}}=0,25$ мг/дм³)

Фон электролити табиати ва концентрацияси	Se	
	$E_m, \text{В}$	$h, \text{мм}$
1М NH_4Cl	-0,22	10
1,0М HCl	-0,35	22
0,2М HNO_3	-0,15	12
1,0М H_2SO_4	-0,13	14
0,5М H_3PO_4	-0,11	16

1-жадвал малумотларидан қуриниб турибдики селен ионини инверсион вольтамперометрик усулда аниқлашда энг яхши натижалар 1,0М HCl кислота фон электролида кузатилди. Кейинги ишларда биз айнан шу фон

ZAMONAVIY TARAQQIYOTDA ILM-FAN VA MADANIYATNING O‘RNI

электролитидан фойдаландик. Кейинги ишларда биз ишлаб чиқилган усул ёрдамида селен ионларини табиий объектларда биргаликда кенг учрайдиган ёндош катионларига тақлид қилган ҳолда тайёрланган мураккаб модел аралашмалар анализи амалга оширилди.

2-жадвал

Селен ионининг рух, кўрғошин, кадмий, никель, кобальт, кумуш ионлари иштирокида модел аралашма таркибидан инверсион вольтамперометрик аниқлаш натижалари ($\bar{x} \pm \Delta x$; $P=0,95$)

Аралашмадаги компонентлар таркиби ва ундаги миқдори	Топилди Se, мкг ($P=0,95$; $n=3$)	
	$\bar{x} \pm \Delta x$	S_r
Se(1,0) +Zn(50,0);	0,990±0,372	0,150
Se(2,0)+Ni(1,0)+Co(0,1);	1,98±0,20	0,041
Se(0,50)+Ni(0,15)+Co(0,5);	0,480±0,223	0,104
Se(0,5) + Pb(15,0) +Zn(0,7);	0,470±0,099	0,085
Se(1,0)+Pb(0,6)+ Cd(0,1)+Zn(0,7);	0,933±0,223	0,101
Se(0,6)+ Pb(0,8)+Zn(3,6);	0,570±0,124	0,088
Se(0,8)+Zn(15)+ Pb(1,5)+Ag(1,0);	0,810±0,149	0,077

2-жадвал малумотларидан кўришиб турибдики, селен ионини модел аралашмалар таркибидан аниқлашда, кўпгина бошқа усулларга ўхшаб усулнинг селективлиги ва сезгирлигини оширадиган қўшимча жараёнларсиз амалга ошириш имкони мавжуд экан. Селен ионини аниқлашда нисбий солиштирма четланиш қиймати 0,193 дан ошмаганлиги, бу эса ишлаб чиқилган инверсион вольтамперометрик усулнинг тўғрилиги ва қайта такрорланувчанлигидан далолат беради [3].

АДАБИЁТЛАР

1.Е.В. Наянова, Г.М. Сергеев, Е.В. Елипашева. Избирательное фотометрическое определение низких содержаний селена(IV) и селена(VI) в бутилированной питьевой воде // Журн. аналит. химии. – Москва, 2016.- Т.71.- №4. - С.397-403.

ZAMONAVIY TARAQQIYOTDA ILM-FAN VA MADANIYATNING O‘RNI ‘

2.А. А. Каплин, Н. А. Вейц, Н. М. Мордвинова, Г. Г. Глухов. Журн. аналит. химии. – Москва, 1977.- Т.32.- №4. - С.687-692.

3.Д. А. Зияев, М. Н. Сайфиев, М. М. Мамажонов, У. Ғ. Ахмаджонов. Кимё-технология фанларининг долзарб муаммолари мавзусидаги халқаро олимлар иштирокидаги Республика илмий-амалий анжумани. Тошкент. 2021.

УДК 517.984

3X3-ОПЕРАТОРЛИ МАТРИЦАНИНГ МУҲИМ СПЕКТРИ ҲАҚИДА**Шарипов Илхом Азизбой ўғли – магистрант**

Бухоро давлат университети

Аннотация. Фок фазосининг қирқилган уч заррачали қисм фазосида таъсир қилувчи A уч диагоналли 3×3 операторли матрица чизиқли чегараланган ва ўз-ўзига қўшма оператор сифатида қаралади A_1 ёрдамчи 2×2 операторли матрица қурилади ва унинг спектри ўрганилади. A операторли матрицанинг муҳим спектри A_1 операторли матрицанинг спектри орқали тавсифланади.

$H_0 := C$ - бир ўлчамли комплекс фазо, $H_n := L_2([- \pi; \pi]^n)$, $n \in N$ эса $[- \pi; \pi]^n$

да аниқланган квадрати билан интегралланувчи функцияларнинг Гильберт фазоси бўлсин. $F(L_2[- \pi; \pi])$ орқали $L_2[- \pi; \pi]$ фазо ёрдамида қурилган стандарт Фок фазосини белгилаймиз:

$$F(L_2[- \pi; \pi]) := C \oplus L_2[- \pi; \pi] \oplus L_2([- \pi; \pi]^2) \oplus \dots$$

ёки

$$F(L_2[- \pi; \pi]) = H_0 \oplus H_1 \oplus H_2 \oplus \dots$$

$H := H_0 \oplus H_1 \oplus H_2$ Гильберт фазосига стандарт Фок фазосининг қирқилган уч заррачали қисм фазоси дейилади.

Мазкур тадқиқот ишида H Гильберт фазосида уч диагоналли 3×3 блок операторли матрицани қараймиз

$$A = \begin{pmatrix} A_{00} & A_{01} & 0 \\ A_{01}^* & A_{11} & A_{12} \\ 0 & A_{12}^* & A_{22} \end{pmatrix}$$

бунда $A_{ij} : H_j \rightarrow H_i, i, j = 0, 1, 2$ матрица элементлари қуйидагича аниқланган

$$A_{00}f_0 = \varepsilon f_0, \quad A_{01}f_1 = \int_{-\pi}^{\pi} \sin t \cdot f_1(t) dt$$

$$(A_{11}f_1)(x) = (\varepsilon + 1 - \cos x)f_1(x), \quad (A_{12}f_2)(x) = \int_{-\pi}^{\pi} \sin t \cdot f_2(x, t) dt,$$

$$(A_{22}f_2)(x, y) = (\varepsilon + 2 - \cos x - \cos y)f_2(x, y),$$

бу ерда $f_i \in H_i, i = 0, 1, 2; \varepsilon \in \mathbb{R}$. A_{ij}^* – оператор $A_{ij}, i < j$, га қўшма оператор, $f = (f_0, f_1, f_2) \in H$ элемент номаси қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланади

$$\|f\|^2 = |f_0|^2 + \int_{-\pi}^{\pi} |f_1(x)|^2 dx + \int_{-\pi}^{\pi} \int_{-\pi}^{\pi} |f_2(x, y)|^2 dx dy.$$

Бунда

$$(A_{01}^*f_0)(x) = \sin x \cdot f_0, f_0 \in H_0;$$

$$(A_{12}^*f_1)(x, y) = \sin y \cdot f_1(x), f_1 \in H_1.$$

Берилган операторнинг чизиқли, чегараланган ва ўз-ўзига қўшма эканлигини функционал анализ курсининг мос таърифлари ёрдамида текшириш мумкин.

Ўрганилаётган операторли матрицага ёрдамчи бўлган $H_0 \oplus H_1$ фазода аниқланган A_1 операторли матрицани киритамиз

$$A_1 := \begin{pmatrix} A_{00} & A_{01} \\ A_{01}^* & A_{11} \end{pmatrix}.$$

Кўриниб турибдики, чекли ўлчамли қўзғалишларда муҳим спектрнинг ўзгармаслиги ҳақидаги машҳур Вейл теоремасига кўра $\sigma_{ess}(A_1)$ муҳим спектр учун қуйидаги тенглик ўринлидир

$$\sigma_{ess}(A_1) = [0; 2]$$

$C \setminus [0; 2]$ соҳада регуляр бўлган ушбу функцияни аниқлаймиз

$$\Delta(z) = \varepsilon - z - \int_{-\pi}^{\pi} \frac{\sin^2 t dt}{\varepsilon + 1 - \cos t - z}.$$

Одатда $\Delta(\cdot)$ функцияга A_1 операторга мос Фредгольм детерминанти дейилади. Қуйидаги теорема A_1 операторнинг хос қийматлари ва $\Delta(\cdot)$ функциянинг ноллари орасидаги боғланишни ифодалайди.

1-лемма. $z \in C \setminus [0; 2]$ сони A_1 операторнинг хос қиймати бўлиши учун $\Delta(z) = 0$ бўлиши зарур ва етарлидир.

1-леммадан

$$\sigma_{disc}(A_1) = \{z \in C \setminus \sigma_{ess}(A_1) : \Delta(z) = 0\}$$

эканлиги келиб чиқади.

$\Delta(\cdot)$ функциянинг аниқланишига кўра бу функция $(-\infty; 0) \cup (2; +\infty)$ тўпلامда монотон камаювчи функция бўлади. Шу сабабли $\Delta(\cdot)$ функция $(-\infty; 0)$ (мос равишда $(2; +\infty)$) ораликда кўпи битта нолга эга бўлади. 1-леммага кўра бу ноллар A_1 операторнинг хос қийматлари бўлади.

Эслатиш жоизки $\Omega_1, \Omega_2 \subset R$ тўпلامлар учун

$$\Omega_1 + \Omega_2 = \{a_1 + a_2 : a_i \in \Omega_i, i = 1, 2\}$$

тенглик ўринли.

Ишнинг асосий натижасини баён қиламиз.

1-теорема. A операторнинг $\sigma_{ess}(A)$ муҳим спектри

$$\Sigma := [\varepsilon; \varepsilon + 4] \cup \{[0; 2] + \sigma_{disc}(A_1)\},$$

тўпلام билан устма-уст тушади, яъни $\sigma_{ess}(A) = \Sigma$ тенглик ўринли. Бундан ташқари, Σ тўпلام кўпи билан 3 та кесмаларнинг бирлашмасидан иборат бўлади.

A_1 оператор кўпи билан 2 та оддий хос қийматга эга бўлганлиги боис $[0; 2] + \sigma_{disc}(A_1)$ тўпلام кўпи билан 2 та кесмаларнинг бирлашмасидан иборат бўлади. Бунда битта кесма 0 нуқтадан чапда, иккинчиси эса 2 нуқтадан ўнгда жойлашган бўлади. Бу тасдиқ A_1 оператор муҳим спектрининг кейинги хоссаларини, муҳим спектрнинг икки заррачали ва уч заррачали тармоқларининг жойлашув ўрнини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

1-теоремани исботлаш жараёнида $\Sigma \subset \sigma_{ess}(A)$ муносабат Вейл теоремаси ёрдамида исботланади. Тескари муносабат, $\sigma_{ess}(A) \subset \Sigma$ муносабатни исботлашжа Фредгольмнинг аналитик теоремаси [1] қўлланилади.

Фойдаланилган адабиёт.

1. М.Рид, Б.Саймон. Методы современной математической физики. Т.4, Анализ операторов. М. Мир, 1982.

**“NASOYIM UL-MUHABBAT” TAZKIRASIDA TASAVVUFGA OID
ATAMA VA IBORALARNING QO`LLANILISHI**

ADHAMJON OTAXANOV

TDSHU magistranti

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada Alisher Navoiyning “Nasoyim ul-muhabbat” tazkirasida iqtibos sifatida keltirilgan atama va iboralarning matndagi o`rni haqida fikr yuritiladi.*

***Kalit so`zlar:** iqtibos, so`z qo`llash, axloqiy qadriyat, so`fiy, din, tasavvuf, poetika, ibora, badiiy termin...*

***Аннотация.** В этой статье рассматривается роль терминов и выражений в тексте, приведенных в качестве цитат в тазкире Алишера Навои “Насойим уль-Мухаббат”.*

***Ключевые слова:** цитата, словоупотребление, моральная ценность, суфизм, религия, мистика, поэтика, фраза, художественная терминология...*

***Annotation.** In this article we will talk about the role of the terms and phrases quoted as iqtibos in the text of Alisher Navoi's “Nasoyim ul-muhabbat”.*

***Keywords:** word application, moral value, sofiy, religion, mysticism, poetics, phrase, artistic term...*

Alisher Navoiy faqat buyuk so`z san`atkori, balki o`rta asrlardagi falsafiy, ijtimoiy oqimlar jarayoniga bevosita ta`sir ko`rsatgan yetuk alloma. U falsafa, din, tariqatlar haqida maxsus ilmiy asarlar yozmagan bo`lsada, badiiy va ilmiy, tarixiy asarlari orqali bu masalaga albatta munosabat bildirgan bu ayniqsa, ikki xil yo`sinda namoyon bo`ladi:

1. Ochiq mulohaza, talqin yoki yaxlit xulosalar sifatida;
2. Badiiy asar tabiati bilan bogliq holda, yo`l-yo`lakay munosabat, imo-ishora tarzida.

Shuningdek, bir qator muhim, ammo nozik masalalar (qazo va qadar, hurufiylik, malomatiya, futuvvat - javonmardlik)ga munosabat pardali imo-ishora hamda muayyan obrazlar zamiriga singdirilgan holda korinadi.

Navoiyning tasavvuf falsafasining asosiy prinsiplari va yo‘llari haqidagi mulohaza va xulosalari qit‘a, gazal singari kichik janrlarda ochiq qayd etilgani holda, dostonlar tarkibida muayyan g‘oyaviy niyat bilan bog‘liq holda, badiiy matn doirasida ko‘rinadi. Ammo shuni ham ta‘kidlash lozimki, Alisher Navoiyning xususan tasavvuf va tasavvuf allomalariga bag‘ishlab yozgan qator diniy-falsafiy asarlari mavjud. Alisher Navoiy “tasavvuf”ga bag‘ishlab muayyan asarlar ham yozgan.

Xususan, “Nasoyim ul-muhabbat” shular jumlasidandir. Shoir o‘zining “Nasoyim ul - muhabbat” asarida so‘fiylik va tasavvuf haqida juda qimmatli ma’lumotlar bergan. Bevosita mavzumizga dalxdor bo‘lganligi sababli “avliyo” va “orif” sozlarining lug‘aviy ma’nolariga to‘xtalmoqchimiz. “Avliyo” sozi arab tilidan olingan bo‘lib, “valiya” fe‘lidan yasalgandir.

Bu fe‘l:

- 1) yaqin bo‘lmoq;
- 2) qo‘shilmoq;
- 3) boshqarmoq, voliylik qilmoq;
- 4) mudirlik qilmoq, idora qilmoq

kabi ma’nolarni anglatadi. Avliyo so‘zi “valiy” so‘zining ko‘plik shaklidir. “Valiy” so‘zi ham o‘z o‘rnida: 1) yaqin; 2) tug‘ishgan; 3) qarindosh; 4) mulkdor, mulk egasi; 6) vasiy, homiy; 7) valiy, avliyo (Allohning do‘sti) degan ma’nolarni beradi.

“Kahf” surasining 102-oyatida ham “avliyo” so‘zi kelgan bo‘lib, ushbu oyatning ma’nosi quyidagicha: “Yoki kufr keltirganlar meni qo‘yib bandalarimni valiy-iloh qilib olishni gumon qildilarmi?! Albatta, Biz jahannamni kofirlarga manzil etib tayyorlaganmiz”. Bu oyati karimada “avliyo” so‘zi “Iloh, Rahnamo” ma’nosida kelgan. Bu ma’no ham avvalgilaridan farqli bo‘lib, endi yolg‘iz Allohning Haq Rahnamoligi haqida so‘z ketmoqda. Shuningdek, Niso surasining 74-, 89-, 139-, 144-oyati karimalarida ham, “Moida” surasining 50-, 57-, 81-

oyatlarida ham “avliyo” so‘zi kelgan. Bu oyatlarning ko‘pchiligi mo‘min-musulmonlarning boshqa musulmonlar turib, kofir kimsalarni do‘st tutmasliklari haqida. Musulmonlar bu ishdan qattiq qaytarilganlar. Demak, bu oyatlardagi “avliyo” so‘zining ma‘nosi avvalda zikr qilingan ma‘nolar kabidir. Ya‘ni aksari “insonlararo dostlik”ni ifodalab kelgan.

Bizga ma‘lumki, tasavvufning g‘oyasi komil insonni tarbiyalashdir. Bunday kamolotga erishgan shayxlarning o‘z darajalari va manoiqlari mavjud. Komil insonni tasavvufiy istilohda “avliyo” deyiladi. Biz avval avliyo tushunchasi va uning Qur‘oni Karimda anglatgan ma‘nolari bilan tanishib chiqqan edik. Shu ma‘nolar orasida “Allohning do‘sti” ma‘nosi ayni biz o‘rganayotgan mavzuni yoritib berishda asos bo‘lib xizmat qiladi.

Valiy tushunchasi Qur‘on va hadisga asoslangan bolib, “do‘st” (Allohning dosti) ma‘nosini bildiradi (“Alloh esa taqvodor zotlarning do‘stidir”).

Ilm – Alloh tomonidan insonga berilgan ulug‘ ne‘matdir. Ilm inson kamoloti uchun zurr bo‘lgan sifatlardan biridir. U insonni ziynatlaydi va uni ulug‘likka yetkazadi. Insonga berilgan ilmning eng mukammal darajasi Payg‘ambarlikdir . Olimlar esa Muhammad(s.a.v.) aytganlaridek

“ Payg‘ambarlarning me‘rosxo‘rlaridir” .

Rasululloh (s.a.v) tufayli fazilatga erishgan ulug‘ sahobalar, valiyullohlar safida tariqat pirlari ham turadilar. Tariqat pirlari Payg‘ambarimiz (s.a.v.) sunnatlariga amal qilgan olimu ulamolar bolib, ilm vositasida xalqni to‘g‘ri yo‘lga boshlaganlar.

Tasavvufda komil inson namunasi sifatida Payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v.)ning hayot yo‘llari va faoliyatlarini asos qilib oladilar.

Tariqat pirlari – Rasulullohning sunnatlariga mustahkam bog‘langan va u zotning axloq-u odoblari bilan ziynatlanganlar. Ular ulug‘ martabali olim, buyuk tarbiyachi bo‘lganlar. Ular ilm – ma‘rifat chirog‘i bo‘lib, odamlarni zulmatdan ziyoga boshlaganlar. Tariqat nihoyada murakkab va yuksak darajadagi barkamollik yo‘lidir. Pirsiz murid bu manzilga yeta olmaydi. Ichki olamining razolatdan tozalab,

uni gozal xulq bilan bezatishi uchun murid komil pirning rahnamoligiga ehtiyoj sezadi.

Tariqat pirlari bajaradigan vazifasiga ko‘ra tabibga o‘xshaydi. Farq shundaki, tabib insonning zohiridagi, ya’ni tanasidagi kasalliklarni davolaydi, pir – murshid esa muridning botinini, nafsoniy xastaliklardan poklaydi. Pir muridning qobiliyati darajasiga qarab muolaja usulini tanlaydi.

Ko‘rinadiki, Alisher Navoiy ijodida tasavvuf bilan adabiyot oliy darajada o‘zaro uyg‘unlashadi. «Nasoyim ul-muhabbat»ning ahamiyati haqida so‘z ketganda, uning tasavvuf tarixi, oqim va silsilalari, namoyandalari, tasavvufning asosiy tushuncha va istilohlari, falafiy, axloqiy konsepsiyasi namoyon bo‘ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil Al-Buxoriy. Hadis: 4 kitob. 1-k. Al-Jomi’ as-Sahih (Ishonarli to‘plam). – T.: Qomuslar Bosh tahririyati, 1991. – B. 133
2. Kerimov G.M. Al-Gazali i sufizm. – Baku: Elm, 1969. – S. 32.
3. Бертельс Э.Э. К. вопросу о мировоззрении Хавай // Хавай и Джами. Избр.труды. том-4. –М.: 1965. С. 447.
4. Abdurahmon Jomiy. Lavoyih. O‘zR FA SHI, qo‘lyozma № 503.
5. Ramazonov N. “Nasoyim ul-muhabbat” va uning manbalari // O‘zbek tili va adabiyoti, 2001. №1. – B. 14–19.

O'QISH SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA PIRLS TADQIQOTLARIDA BAHOLASHNING KONTSEPTUAL YONDASHUVLARI

Maftuna Maxkamova

Oltinko'l tumani 5- umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

***Annotasiya:** Maqola o'quvchilarining o'qish savodxonligini aniqlashda PIRLS va PISA Xalqaro baholash dasturi xususida bo'lib, unda PIRLS va PISA xalqaro tadqiqotlarida o'qish savodxonligining konseptual yondashuvlari xususida ma'lumotlar berilgan.*

***Kalit so'zlar:** PIRLS, PISA, konseptual, tadqiqot, savodxonlik, kitobxonlik, ta'lim, matn, hikoya, asar, tushunish, anglash, baholash.*

Jamiyat hayot davomida insonning bir nechta faoliyat turlarini o'zgartirishi zarurati bilan bog'liq bo'lgan umrbod ta'limning muhimligini anglab yetdi. Endi o'qish qobiliyatini erta maktab yoshida olingan qobiliyat deb hisoblash mumkin emas. Endi bu doimiy ravishda rivojlanib boradigan bilim, ko'nikma va ko'nikmalar to'plamidir, ya'ni insonning hayoti davomida turli xil faoliyat va muloqot sharoitlarida yaxshilanadigan sifat hisoblanadi. PIRLS va PISA tadqiqotlari bosqichma-bosqich o'qish savodxonligi konsepsiyasini kengaytirib, unga "jamiyat talab qiladigan ifoda etishning lingvistik shakllari", "yozma ma'lumotlardan foydalanish" kabi muhim xususiyatlarni kiritdi. O'qish savodxonligi nima? Ushbu tadqiqotlarda o'qish savodxonligi odamning yozma matnlarni anglash va ularda aks ettirish, o'z mazmunidan o'z maqsadlariga erishish, bilim va imkoniyatlarni rivojlantirish, jamiyatda faol ishtirok etish uchun foydalanish qobiliyatini tushunishni taklif qiladi. Ko'rinib turibdiki, ushbu ta'rifda tushunchaning nomlangan belgilarining har biri muhim ahamiyatga ega. Savodxonlik so'zi o'quvchilarning kelajakdagi rejalarini amalga oshirish vositasi sifatida o'qishni o'zlashtirishlaridagi muvaffaqiyatni anglatadi. Konsepsiyaning mohiyati ham belgilardan iborat: tushunish, aks ettirish va foydalanish. Ular o'zaro bog'liq va bir-birini boyitadi. Refleksiya matnning mazmuni (yoki tuzilishi) haqida o'ylashni, uni shaxsiy ong doirasiga o'tkazishni o'z ichiga oladi. Faqatgina

bu holatda biz matnni tushunish, insonning tarkibida turli xil faoliyat va muloqot sharoitlarida uning mazmunidan foydalanish imkoniyati to'g'risida gaplashishimiz mumkin. Yozma matn tabiiy tildan foydalanilgan bosma, qo'lda yozilgan yoki namoyish qilingan matnlarni anglatadi. Bunday matnga diagrammalar, rasmlar, xaritalar, jadvallar, grafikalar ko'rinishidagi vizual tasvirlar kiritilishi mumkin, ammo boshqa idrok strategiyasini talab qiladigan filmlar, televizion tasvirlar, animatsiya, so'zsiz rasmlardan foydalanishni istisno qiladi. Vizual tasvirlarning kiritilishi tufayli matnlarni qattiq (bunday tasvirlarsiz) va uzluksiz (bunday tasvirlar bilan) bo'linishi mumkin. Vizual tasvirlar (vizual matnlar) alohida, mustaqil ravishda taklif qilinishi mumkin.

Matn bilan ishlash holatlari

- shaxsiy maqsadlar uchun o'qish (o'zingiz uchun) shaxsiy maktublarni, badiiy adabiyotlarni, tarjimai hollarni, ilmiy-ommabop matnlarni va boshqalarni o'qishni o'z ichiga oladi;
- jamoat maqsadlarida o'qish rasmiy hujjatlarni, jamoat manfaatlarini uchun barcha turdagi ma'lumotlarni o'qishni va boshqalarni o'z ichiga oladi;
- "ish" maqsadlarida o'qish (ish jarayonida, ish joyida) o'qish uchun ko'rsatma matnlarini (qanday qilish kerak) va boshqalarni o'z ichiga oladi;
- ta'lim uchun o'qish o'quv adabiyotlari va ta'lim maqsadida ishlatiladigan matnlarni o'qishni o'z ichiga oladi;

Matnning mazmunini aks ettirish uchun o'quvchiga topshiriqlarni bajarish, matnda topilgan ma'lumotni boshqa manbalardan olingan ma'lumotlar bilan bog'lash, matndagi bayonotlarni dunyo haqidagi g'oyalariga asoslanib baholash, o'z nuqtai nazarini himoya qilish uchun dalillarni topish kerak. Matnni tushunishning bu jihati o'quvchilarning aqliy qobiliyatlari, axloqiy va estetik rivojlanishining yuqori darajasini anglatishi aniq. Matnni baholash uchun o'quvchining topshiriqlarni bajarishi nafaqat matnning mazmunini, balki uning

ZAMONAVIY TARAQQIYOTDA ILM-FAN VA MADANIYATNING O‘RNI

shaklini ham, umuman, uning bajarilish mahoratini ham baholashi muhim hisoblanadi. Matnni tushunishning bu jihati tanqidiy fikrlashning yetarli darajada rivojlanishini va mustaqil fikrlashni nazarda tutadi. Vazifalarni bajarish uchun o‘quvchi matnning tuzilishi, janrning o‘ziga xos xususiyatlari, matnda so‘z bilan ifodalangan fikrlarning asosiylarini aniqlash, muallifning g‘oyasini anglash qobiliyatini aniqlash va muallifning tasvirlagan baholashlarini farqlash qobiliyatiga ega bo‘lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.A.Ismailov, N.A.Karimova, B.Q.Haydarov, Sh.N.Ismailov. “Xalqaro tadqiqotlarda o‘quvchilarning o‘qish savodxonligini baholash” – T.: 2019
2. Shaxmurodova D.A. Boshlang‘ich sinf o‘qish darslari orqali o‘quvchilarning o‘qish savodxonligini oshirish. Xalq ta’limi №3. T.: 2021
3. www.markaz.tdi.uz
4. www.edu.uz

SHARAFLI KASB EGALARI**Xursanova Ro'zigul Furqat qizi;****Azizova Sevara Sobir qizi***Kalit so'zlar: O'qtuvchi, ta'lim, yoshlar, mehnat, kasb, ustoz...*

Mehr nuri yog'ar doim ko'zingizdan ustozlar

Yursam deyman bu tabarruk izingizdan ustozlar

(P. Mo'min she'ri)

Sevimli shoirimiz Po'lat Mo'minning „Ustozlar“ she'rini O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan xonanda Sanobar Raxmonova ijrolari-da eshitgan vaqtim hali boshlang'ich sinflarda o'qib yurgan kezlarim edi. Uzoq o'ylab o'tirmay kelajakda men ham albatta o'qtuvchi bo'laman degan maqsadni o'z oldimga qo'ygandim.

Yoshim ulg'aygani sayin o'qtuvchilik kasbiga bo'lgan muhabbatim yana ham oshib boraverdi.

Mening bu kasbga qiziqishimga asosiy sabab bo'lgan kishilardan yana biri bu mening onam bo'ladilar. Onam men tahsil olgan Urgut tumani xalq ta'lim bo'limiga qarashli 101-umumtalim maktabida 32 yildan buyon o'quvchilarga ona tili va adabiyot fanlaridan tahsil berib kelyaptilar.

O'qituvchilik kasbini sharaflidi deb bilishimga ham sababchi bu mening onajonimdirilar. Onam har kuni 5-6 soat dars o'tib kelsalarda, xonadonimizdagi yumushlarni, kechasi yana 2-3 soatlab uy ishi, sinf ishi daftarlarini tekshirish – bularning barchasidan onam yana ham zavqlanadilar hech ham charchadim demaydilar. Bularning barchasi esa mehnat va mashaqqatlari evaziga bajarilgan bo'lsa ham onam bu holdan nolimaydilar, xafa ham bo'lmaydilar.

Onamning aytishlaricha bu mashaqqatlarning barchasi ko'chada yurganda, to'yda, marakalarda yosh-u qarilarning „Ustoz“ „Muallim“ deb murojaat qilishlarining o'zidanoq inson qalbida paydo bo'layotgan faxr, g'urur, quvonch kabi tuyg'ularni so'z bilan tariflab bo'lmasligini aytadilar.

Bugungi kunda o‘qituvchilik jamiyatdagi o‘z o‘rnini yuqori o‘rinlarda ko‘rayotgan, ardoqlanayotgan kasblardan biriga aylandi.

Yangi O‘zbekistonga o‘z kasbini fidoyisi bo‘lgan insonlar kerakligini yurtboshimiz takror-takror uqtirayaptilar. Fidokorona mehnat qilib Yangi O‘zbekistonni yuksaltirishga, bilimli, salohiyatli yoshlarni qo‘llaridan yetaklab qalblariga mehr urug‘ini ekayotgan ustozlarimiz soni ko‘paysagina jamiyat yuksalib mamlakatimiz qisqa vaqt ichida rivojlangan davlatlar qatoriga qo‘shilib olishga ishonaman.

Sharafli kasb egalari hozirgi kunda jamiyatimizda juda ko‘plab topiladi. Kasbini sevgan shifokorlar, hamshiralar, huquqshunoslar, muhandislar, olimlar, shoirlar, yozuvchilar...

Buday kasb egalari qatorini uzoq davom ettirishi mumkin. Lekin barchasini boshi yana o‘qtuvchiga borib taqaladi. Vaqt o‘tishi bilan iqtidorlar rivojlanib o‘qtuvchi, yana iqtidor rivojlanib talaba, iqtidor yuksalavergach esa shoir yoki olim, yo boshqa kasb egasi bo‘lib yetishadi.

Sharafli kasb egalarini sharaflab ko‘plab shoirlarimiz yozuvchilarimiz she‘rlar hikoyalar yozishgan. O‘zbekiston qahramoni, O‘zbekiston xalq shoiri Abbulla Oripov ham o‘qtuvchilarni madh etib quyidagi misralarni aytganda nihoyatda haq gapni aytganlar

ABOUT METHODS OF LANGUAGE TEACHING

Rakhmanqulova Dilnoza Eshnazarovna

English teacher at Specialized State General School (IDUM) No. 95

***ANNOTATION** At present stage of development of science, technology, international trade, different types of business communication a good command of foreign languages is not only a necessity, but also the need for specialists. There are many traditional methods of teaching foreign languages which are quite effective. However, the current development of society requires finding and using more advanced techniques and technologies.*

***Keywords:** training methods, foreign languages, learning.*

INTRODUCTION

In modern society, the role of foreign languages is increasing. Knowledge of a foreign language gives young people the opportunity to join the world culture, use the potential of the vast resources of the global Internet in their activities, and also work with information and communication technologies and multimedia teaching aids. Currently, intensive methods of teaching foreign languages are becoming more and more popular. There are many varieties of the intensive method, mainly used for teaching a foreign language to adults. However, at school, experienced teachers successfully use the techniques work inherent in this method.²⁸

While teaching students foreign languages the most effective methods are: a multimedia presentation, method of projects, interactive testing programs on-line (eg, TOEFL), on-line modules, interactive whiteboards, multimedia programs, the creation of a student’s ELP, the “case” method (based on situational teaching methods), competency analysis (provides an assessment of game participants

²⁸ Near peer role models. *Teacher Talking to Teacher*. 4 (3), 21-23. Mynard J. & Almarzouqi I., 2006.

competencies, building professional diagram by specialty), distance learning, and others.

RESEARCH METHODOLOGY

These advanced techniques allow to achieve the following objectives: 1) the readiness to perceive educational material; 2) systematization of knowledge; 3) development of creative abilities of students; 4) self -education; 5) removing psychological barrier (fear to communicate, to make a mistake); 6) the comprehension of educational material, the analysis of the acquired material. One of the modern methods of teaching foreign languages is the use of computer technologies. Computer language programs add variety to the learning process, fostering a creative atmosphere and, at the same time, modify the learning process and facilitate the ongoing monitoring. One of the important points in learning a foreign language is a stage of reflection. Using a computer, students have the opportunity to analyze the results of their activities. The multimedia program «Learn to speak English», London language course "Air" (for intermediate and advanced levels), electronic encyclopedias «Encarta», Encyclopedia» have been of particular interest to students. Multimedia programs have a number of advantages:²⁹

- 1) the use of exciting videos about countries with the text support, which can be removed by setting a task of high difficulty;
- 2) virtual voice contact with native speakers, the opportunity for the student to become a participant in the events and monitor the quality of foreign language communication;
- 3) the ability to merge the grammatical material with the use of games.

Over the past decades, the methodology of teaching a foreign language has been developing under the sign of communication-oriented learning. The foreign language program for secondary school proclaimed as the main communicative goals, which set a certain movement for the learning process in this direction. The qualitative originality of the intensive method lies in the fact that in it these

²⁹ Maslova A.M. «Essential English for Medical Students». M., 1981.

postulates are translated into real deeds; as a result, an integral and effective technology of intensive training has emerged, within the framework of which adequate communication mechanisms have been developed.

The features of this technology are as follows:

- 1) in the use of techniques that activate conscious and subconscious processes of the psyche to create an extensive and solid language base;
- 2) in the development of tasks that motivate communication;
- 3) in the optimal organization of the collective interaction of students with each other and with the teacher.

Method of projects is one of the most effective ways of organizing students' self-study, which is used in the final stage of the lesson's topic, i.e. as a consolidation or in the process of repetition. Project-based learning allows you to personalize the learning process, enables students to plan, implement and monitor their activities. Using the "project" method students can choose their own sources of information and forms of material presentation to show completely their creativity. Project work involves several steps. In the first stage the content and nature of the project, the sources and ways of finding information are discussed, individual tasks are distributed, or tasks for mini groups. Groups are formed according to the level of proficiency, psychological features and creativity. The second step is working directly with the project, such as collecting, summarizing and analyzing information; information exchange; compilation of vocabulary; writing a personal project; creating slides, drawings, posters and so on. The third stage is a presentation of the project. During the presentation, students demonstrate their fluency in a foreign language, demonstrate both prepared and spontaneous speech, especially during the discussion after the presentation of the project. The work on the project will definitely increase the interest in learning foreign languages. Motivation helps students strengthen their cognitive and communicative skills. It is well known that a role-play is a means of simulation of problem situations in various spheres of human activity and it allows you to find the best solutions to many problems. A role-play is

a comprehensive methodological procedure of learning in which students first consider the decision-making process. The role-play is a process of imitation in the model as a result of which there are some results and their consequences. The role-play is aimed at developing the students' skills to analyze concrete practical situation and make decisions.

RESULTS

The technique of working with Internet resources arouse a great interest and show effective results:

1. “Hotlist” is a list of Internet resources on the topic.
2. “Multimedia Scrapbook” is the study of multimedia reference collection (photos, maps, history, facts, audio, video fragments), selection of the necessary resources and the creation of the multimedia materials’ collection.
3. “The Treasure Hunt” is a search for information to answer questions of specific nature of the subject under study; the existence of problematic issues on the content of sites and the final task are presumed.

Thus, the use of a variety of advanced methods of teaching foreign languages has a number of advantages that help teach students to actively acquire a profound knowledge, develop their creativity and organizational skills and provide a powerful intention to learn the language. Advanced technologies enable perfectly combine theory with practice, form the content knowledge, skills and abilities.

REFERENCES

1. Maslova A.M. «Essential English for Medical Students». M., 1981.
2. Khodjaeva L.U. Textbook "English", Tashkent, 2005.
3. Peer teaching: A description and evaluation. Teaching Sociology, 2(2), 133-146. Murphey. T. Australia, 1996.
4. Near peer role models. Teacher Talking to Teacher. 4 (3), 21-23. Mynard J. & Almarzouqi I., 2006.

РАСПРЕДЕЛИТЕЛЬНЫЕ ОБЛАСТИ РАСТЕНИЯ АЗОЛЛА И ЗА ЕЕ СПОСОБАМИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ

Рахмонбердиева Дилфуза Бердиёр кизи

Студент в Самаркандском Государственном Институте Иностранных Языков

Научный руководитель: Ахророва.А.А

Абстракт: В настоящее время население мира растут, что, в свою очередь, увеличивает спрос на очистку сточных вод и производство продуктов качества качества. Для решения этих проблем можно использовать растение Азола. Азол можно использовать для лечения загрязненной воды и в качестве корма в рыбалке. В этой статье дается вам краткий обзор на Азалеа и как их выращивать.

Ключевые слова: азоль, ракообразный, споры, родной водный растение, красный, азот.

Введение

Azola - это группа водных, прессообразующих многолетних растений, принадлежащих к семейству ракообразного. Есть водяные корни под водой и толстыми листьями на воде. Есть 6 типов азола. Количество ископаемых видов составляет около 50. Некоторые из азолы являются общими в тропиках современной Южной Америки, Африки, Юго-Восточной Азии и Австралии. Ископаемые остатки азола (споры, листовые следы и мегасереса) обнаруживаются в слоях из мела до плейстоцена. Они встречаются в меле в Западном Казахстане, в эоцене в Индии, в Устюрте и в олигоцене в Казахстане. Визы Азолла используются для увеличения плодородия почв из-за их содержания азота. Это обычный водный завод в Тасмании. Это обычное за фермерские плотин и другие водные тела. Растения небольшие (обычно только несколько см в длину) и поплавок, но могут быть обильными и образовывать большие кровати. Растения обычно красны цвета и имеют небольшие водостойкие листья.

Азолла плавает на поверхности воды с помощью многих крошечных, плотно связанных масштабированных листьев, висящих с поверхности воды. Они образуют симбиотические отношения с цианобактером Анабаэ Азоллау, которая связывает атмосферный азот. Завод может легко колонизировать пресноводные зоны и расти в большой ставке - удвоение своей биомассы каждые два-три дня. Ограничивающий фактор, присущий его росту, представляет собой фосфор. Обилие фосфора, например, из-за эйфории или химического потока, часто приводит к цветению Азолла. В отличие от всех других известных растений, его симбиотические микроорганизмы передаются непосредственно из поколения в поколение. Азолла воспроизводит сексуально и асексуализованно (подразделение). Как и все папоротники, сексуальное воспроизведение приводит к образованию спор, но другие члены этой группы, азолла, производят два вида. Летом многие сферические структуры под названием *Sporocarp* появляются на базе ветвей. Мужской спорозапен зеленый или красноватый в цвете и напоминает массу яиц насекомым или паука. Это диаметром два миллиметра и имеет много мужских спорангий. Мужские споры (микроспоры) крайне малы и образуются в каждой микроспартизации. Микроспоры придерживаются соединений, называемых массами. Женский споропуп довольно мал, содержащий один споненгум и один функциональный спорт. Отдельные женские споры называются мегаспорами, потому что они намного больше, чем мужчины-мужчины. У азолла есть микроскопические мужские и женские геймофиты, которые развиваются в мужских и женских спорах. У одного есть яйцо. Микроспорд образует одно-аттермидный мужской гемотистот, который производит восемь плавниковую сперму. Торная глосидия в мужских кластерах шпионов заставляет их придерживаться женских мегапоров, тем самым облегчая оплодотворение.

Литература:

1. Баксуллейвич, Тохиров Бастий, Алимова Луиза Халиловна и Худойбердиева Сабина Алишеровна. «Практическая ценность

микроскопических водорослей в сельскохозяйственном секторе».

Вопросы уакиозарации

. 2. Тохров Б. Б., Тешаева Д. Р. Характеристика растений, обогащающие фитанонарное состояние джалалау кишкил // Вопросы науки и образования. - 2018. -)

. 3. Шамстреев Н. А., Токсиров Б. Б., Баксуллава Г. В. Условика Размоняние Некоторикс Промсловой ВИДОВ Рыб Умер